



# Bugungi O'ZBEKISTON

Ijtimoiy-iqtisodiy, axborot, huquqiy, madaniy-ma'rifiy gazeta

E-mail: bugungiuzbekistan@gmail.com

2025-yil 8-noyabr, 22-son (72)

## ЎЗБЕКISTON – АМЕРИКА: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 4-6 ноябрь кuni амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 6 ноябрь кuni Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг "С5+1" форматдаги саммити тадбирлари доирасида бир қатор нуфузли делегациялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар етакчиларини қабул қилди.

АҚШ Экспорт-импорт банки раҳбари Жон Йованович билан учрашувда ушбу нуфузли институт билан тайёрланган қўшма дастур асосида энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги, АТ ва бошқа устувор йўналишлардаги йирик лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари кўриб чиқилди.

Эксимбанк ҳукуматнинг расмий экспорт-кредит агентлиги бўлиб, АҚШ компанияларининг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда уларга суғурта, кафолат ва кредит воситаларини тақдим этади.

Эксимбанкнинг мамлақати-

миз авиапаркини модернизация қилиш ва "Boeing" самолётларини етказиб беришдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Амалий ҳамкорликни давом эттириш ва Узоқ муддатли шериклик режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари ҳузурда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, sanoat va savdo вазирлиги ҳамда АҚШ Эксимбанки ўртасида имзоланган Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги битим алмашилди.

АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош директори Бен Блэк билан учрашувда олий даражадаги фаол мулоқотлар ва савдо-инвестициявий ҳамкорлик кенгайтириш бўйича амалга ошириш учун хусусий капитални сафарбар қилиш билан шуғулланади.

"General Motors International" компаниясининг глобал ижрочи директори Шилпан Амин билан учрашувда ушбу корпорация

билан узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Компаниянинг мамлақатимиз автомобиль саноатини ривожлантириш ва диверсификация қилишдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Сўнги 5 йил ичида компания томонидан 1,6 миллион дона автомобиль ишлаб чиқарилди, Ўзбекистон "Chevrolet" бренди учун АҚШдан кейин иккинчи йирик бозорга ҳамда Марказий Осиё ва МДХ бозорларида сотувлар бўйича етакчига айланди.

Ишлаб чиқариш кооперациясини янада ривожлантириш, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Замонавий машинасозликда талаб юқори бўлган янги технологиялар ва хомашё ресурслари соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истисқобллари муҳокама қилинди.

Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Ховард Латник билан учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, иқтисодийнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар кўпайиб, қарийб 1 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси муваффақиятли фаолият юритмоқда, sanoat, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва инновация соҳаларида қатор йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

2-бет

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.  
**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Расул Тўраев, Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ректори, профессор

## СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Маълумки, замонавий сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ва дастурий тизимлардан иборат бўлиб, инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни ахборот базасига киритилган маълумотлар асосида амалга оширади. Шунингдек, сунъий интеллект мураккаб таҳлиллар ва катта маълумотлар билан ишловчи дастурларни ўз ичига олиб, мантикли изчил мулоҳаза қилиш ҳамда тавсия бериш қобилиятига эга "ақлли" технология ҳисобланади. Мутахассислар томонидан сунъий интеллектга тўртинчи sanoat инквобининг асоси сифатида қаралмоқда.

Мутахассислар фикрича, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосини ижтимоий ёрдам, ижтимоий суғурта ва бандлик билан боғлиқ дастурлар ташкил қилади.

Ривожланган мамлакатларда ижтимоий соҳада, хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа йўналишларда сунъий интеллект ва замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кенг тус олмақда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида ривожланаётган давлатларда амалга оширилган муваффақиятли хорижий тажрибалардан куйидаги лойиҳаларини кўриб чиқиш мумкин. Масалан, Жанубий Африка Республикасида амалга оширилган "Harambee" лойиҳаси ижтимоий ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашишга йўналтирилган бўлиб, ушбу дастур сунъий интеллект ёрдамида касбий-малакавий мосликни аниқлаб, иш изловчилар базасини шакллантиради ва уларга турли меъёрларга асосан тегишли мос бўш иш ўрнини тақдим қилади. "Harambee" қисқа давр ичида асосан хусусий ва норасмий секторда ёшларни иш билан таъминлаган.

Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллектга қаратилаётган эътибор юқори даражада.

2-бет

2-бет

## O'zbekiston va Sloveniya ta'lim va innovatsiyalar sohasidagi hamkorlikni kengaytirmoqda



Samarqand shahrida o'tayotgan YUNESKOning 43-Bosh konferensiyasi doirasida O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri Qo'ng'iroq Sharipov Sloveniya Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi davlat kotibi, Sloveniya Prezidentining xalqaro aloqalar bo'yicha maslahatchisi Yure Gashparich bilan uchrashdi. Uchrashuvda oliy ta'lim va ilmiy tadqiqotlar sohasidagi hamkorlikni kengaytirish, qo'shma ilmiy dasturlar va innovatsion loyihalarni amalga oshirish, yoshlar uchun ta'lim imkoniyatlarini oshirish masalalari muhokama qilindi.

Tomonlar o'rtasida Oliy ta'lim va fan sohasida hamkorlik to'g'risida anglashuv memorandumi imzolandi. Ushbu hujjat universitetlar va ilmiy markazlar o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri hamkorlikni yo'lga qo'yish, qo'shma tadqiqotlar o'tkazish, professor-o'qituvchilar va talabalar almashinuvini yo'lga qo'yish, shuningdek, qo'shma anjuman va seminarlar tashkil etish imkonini beradi.



### Xalqaro hamkorlik

## O'ZBEKISTON VA AQSH MUNOSABATLARI TA'LIM TIZIMI RIVOJIGA XIZMAT QILMOQDA

O'zbekiston Respublikasi olib borayotgan tashqi siyosatda ochiqlik sari dadil qadam tashlanib, o'zaro ishonch va manfaatli hamkorlik tamoyillari tobora mustahkamlanib bormoqda. Bu yondashuv mamlakatimiz mavqeyi va nufuzini oshirib, dunyoning rivojlangan davlatlari va jahon hamjamiyatining ishonchli hamkori sifatida yangi pog'onaga olib chiqdi. Ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning yaqinda Amerika Qo'shma Shtatlariga amalga oshirgan tashrifi ikki davlat o'rtasidagi strategik sheriklikni yanada mustahkamlash yo'lida muhim tarixiy voqea bo'lidi.

Prezidentimizning AQSHga tashrifi va BMT Bosh Assambleyasining 80-yubiley sessiyasidagi ishtiroki O'zbekistonning xalqaro maydondagi faolligini va bu jarayondagi mustahkam o'rnini yana bir bor namoyon etdi. Davlatimiz rahbarining BMT minbaridan qilgan nutqi, unda ilgari surilgan tashabbuslar global tinchlikni ta'minlashga xizmat qiladigan, barqarorlik va taraqqiyot masalalarida

O'zbekistonning qat'iy pozitsiyasi qanday ekanligini ko'rsatdi. Eng muhimi, mustahkam rivojlanish yo'lidan borayotgan mamlakatimizning ochiq va pragmatik tashqi siyosatini o'zida aks ettirdi.

Ummon orti mamlakatiga qilingan bu tashrifning mazmuni faqat siyosiy nutq bilan chegaralanib qolgan yo'q. Davlatimiz rahbarining AQSH Prezidenti Donald Tramp bilan olib borgan muzokaralari, xalqaro

moliya institutlari va dunyoning eng yirik kompaniyalari rahbarlari bilan o'tkazgan uchrashuvlari O'zbekiston va AQSH o'rtasidagi munosabatlarini yangi bosqichga olib chiqdi, yanada mustahkamladi.

AQSH Kongressi a'zolari bilan bo'lib o'tgan uchrashuv, xususan, "O'zbekiston bilan hamkorlik bo'yicha kokus" faoliyatiga qaratilgan e'tibor, parlamentlararo muloqotning qamrovi yanada kengayib, yangi bosqichga ko'tarilayotganini ko'rsatadi. Bu esa siyosiy, iqtisodiy, ta'lim va madaniy sohalardagi o'zaro aloqalarni yanada mustahkamlash va chuqurlashtirish uchun zamin yaratadi. Missisipi shtati bilan hamkorlik misolida ham O'zbekiston va Amerika Qo'shma Shtatlari xalqlari o'rtasidagi do'stona munosabatlarning aniq natijalari, mevasi namoyon bo'lmoqda. Savdo-iqtisodiy, madaniy-gumanitar loyihalar, ta'lim sohasidagi almashinuvlar bu aloqalarning samarasini yanada oshirmoqda.

2-бет

” **Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.**

## ЎЗБЕКISTON – АМЕРИКА: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Савдо алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳудудларо ҳамкорликнинг самарали механизmlарини яратиш, шунингдек, Мувофиқлаштирувчи кенгаш таъсис этишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШдан соя ва пахта етказиб бериш, шунингдек, Американинг илғор томчилатиб сугориш технологияларини жорий этиш бўйича дастлабки шартномалар тузилган.

Музокаралар якунида қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция платформасини яратиш орқали амалий ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молия институтлари вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатига АҚШ савдо вазири Ховард Латник, Президентнинг махсус ёрдамчиси Рикки Гил, Президентнинг махсус вакили Паоло Замполли, қишлоқ хўжалиги вази-

ри ўринбосари Стивен Ваден, шунингдек, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раҳбарлари, “Traxys”, “FLSmidth”, “McKinsey”, “Meta”, “Google”, “Amazon”, “Boeing”, “Air Products”, “Axiom Space”, “Cove Capital”, “Freepor-McMoran”, “Orion CMC”, “Cargill Cotton”, “John Deere”, “Honeywell”, “Valmont Industries”, “Flowserve Corporation” каби йирик корпорация ва компанияларнинг юқори даражадаги менежерлари иштирок этди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон етакчиси сўнгги 8 йил ичида АҚШ билан товар айирбошлаш ҳажми 4 баробар ошгани, мамлакатимизда АҚШнинг 300 дан ортиқ компанияси муваффақиятли фаолият юритаётганини таъкидлади.

Президентимиз ҳамкорликнинг бугунги даражаси биргаликдаги ишларга кенг истиқбол очадиган янги босқичнинг бошланиши эканини алоҳида таъкидлади. АҚШ Президенти Дональд Трамп билан бўлажак учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва янги қўшма ташаббуслар муҳокама қилиниши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик-

нинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 18-20 гигаваттлик қайта тикланувчи қувватларга эга янги энергетика тизими яратилади, электр энергиясининг ярмидан кўпи қуёш ва шамол энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади.

Шу маънода, Ўзбекистон ва АҚШ уран, мис, вольфрам, молибден ва графит қазиб олиш ҳамда чуқур қайта ишлашни ривожлантиради. Ишончли етказиб бериш занжирларини яратиш ва АҚШнинг илғор қайта ишлаш технологияларини жорий этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, автомобиль ва темир йўллар, терминаллар ва аэропортларни модернизация қилиш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширилмоқда. 2030 йилгача транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга 12 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтириш режалаштирилган.

АҚШнинг “Google”, “Meta”, “NVIDIA” компаниялари билан рақамли ҳамкорлик кенгаймоқда. Apple Pay ва Google Pay тўлов тизимларини жорий этиш, Рақамли академия ва стартап-хаблар тармоғини яратиш шулар жумласидан.

Бундай лойиҳаларни илгари суриш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун DFC корпорацияси ҳамда АҚШ ЭКсимбанки жалб қилиниши айтилди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ компанияларининг инвестиция ташаббусларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдириб, Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қолишини таъкидлади.

АҚШнинг етакчи компаниялари, инвестиция фондлари ва молиявий институтлари раҳбарлари билан ўтказилган давра суҳбати якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва АҚШ савдо вазири Ховард Латник иштирокида икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлди.

Хусусан, қуйидаги ҳужжатлар имзоланган:

- Геология вазирлиги ва “Denali Exploration group” компанияси ўртасида нодир ер элементларини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда “Re

Element Technologies” компанияси ўртасида нодир металллар соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда “Flowserve” компанияси ўртасида насос станцияларини модернизация қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Valmont Industries Inc” компанияси ўртасида сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш тўғрисида битим;

— Рақамли технологиялар вазирлиги ва “Palo Alto Networks” компанияси ўртасида сунъий интеллект соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида битим;

— “Uzairways” ва “Boeing” компаниялари ўртасида самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома;

— “Datacrop” ва “Luis Dreyfus Company” компаниялари ўртасида соя дуккаклари ва шрот етказиб бериш бўйича шартнома;

— “Ўзсаноатэкспорт” ва “Cargill” компанияси ўртасида пахта етказиб бериш бўйича шартнома.

ЎЗА

## ЎЗБЕКISTON VA AQSH MUNOSABATLARI TA'LIM TIZIMI RIVOJIGA XIZMAT QILMOQDA

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Mustahkamlanib borayotgan bu hamkorlik boshqa sohalarda bo'lgani kabi mamlakatimiz ta'lim tizimi yuksalishi uchun, xususan, xorijiy tillarni o'qitish va xalqaro hamkorlikning yangi uflarini ochishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Samarqand davlat chet tillar instituti jamoasi ham O'zbekiston Respublikasining xalqaro hamkorlik siyosati natijasida yaratilgan imkoniyatlardan oqilona foydalangan holda ilmiy va ta'limiy yo'nalishda o'zining muhim rejalarini amalga oshirib kelmoqda. Shuni ta'kidlash joizki, institutimiz mehnat jamoasi oldiga qo'ygan ustuvor vazifasi xalqaro hamkorlik aloqalarini rivojlantirish natijasida ta'lim sifati va samaradorligini oshirish, ilmiy va pedagogik salohiyatni yuksaltirish, almashinuv dasturlarini kengaytirish, qo'shma ta'lim loyihalarini yo'lga qo'yish va eng muhimi, talabalarimizni global raqobatbardosh kadrlar qilib tayyorlash hisoblanadi.

Ikki davlat rahbarining yuqorida ta'kidlanganidek, o'rnatayotgan mustahkam hamkorlik aloqalari yaqinda AQSHning Yuta shtatiga tashrif buyurgan O'zbekiston delegatsiyasi, jumladan, Samarqand davlat chet tillar instituti vakillari ishtirokida o'tkazilgan uchrashuvlar ikki mamlakat oliy ta'lim muassasalari o'rtasidagi aloqalarining boy mazmunga ega bo'lishini ta'minladi.

Samarqand davlat chet tillar instituti delegatsiyasi Yuta shtatiga tashrif davomida bir qator nufuzli universitetlar va ilmiy markazlar rahbarlari bilan muhim uchrashuvlar o'tkazildi. Tashrif doirasidagi ilk uchrashuv Stirling Foundation rahbariyati bilan bo'ldi. Unda stipendiya va

grant dasturlarini tashkil etish, professor-o'qituvchilar hamda talabalar almashinuvini yo'lga qo'yish, yozgi va qishki maktablar tashkil etish masalalari muhokama qilindi. Muzokaralar yakunida hamkorlikni tizimli ravishda rivojlantirish maqsadida “Yo'l xaritasi” ishlab chiqishga kelishib olindi.

Keyingi muhim qadam Utah Valley universitetida bo'ldi. Universitetning O'quv ishlari bo'yicha prorektori va Akademik masalalar bo'yicha vitse-prezidenti doktor F. Ueyn Vot bilan tashkil etilgan muloqotda talabalar almashinuvini, qo'shma ilmiy loyihalar, yozgi va qishki maktablar tashkil etish masalalari bo'yicha muhim bitimlarga erishildi. Bu aloqalar ta'lim sohasidagi global integratsiyani amaliy ifodasi bo'lib, yoshlarimiz uchun xalqaro tajriba eshiklarini ochishga xizmat qilishi bilan ahamiyatli bo'ldi.

Institutimiz delegatsiyasi Brigham Young universiteti rahbariyati bilan o'tkazgan uchrashuvda ilmiy loyihalar, til o'rganish va madaniyatlararo muloqotni rivojlantirish bo'yicha bir qator masalalar yuzasidan suhbatlashildi. Shundan so'ng xizmat safarimiz rejasidan kelib chiqib men mazkur universitet professor-o'qituvchilari uchun “Xorijiy tillar va madaniy diplomatiya” mavzusida ma'ruza o'qidim. Unda til va madaniyatni xalqaro muloqotdagi o'rni va ahamiyati haqida gapirdim. Uchrashuv yakunida amerikalik hamkasblar bilan qo'shma seminarlar va ilmiy anjumanlar tashkil etish masalalarini rejalashtirib oldik.

Tashrifning eng e'tiborga molik jihataridan biri — Utah davlat universiteti mas'ullari bilan qilgan muzokaralarimiz bo'ldi. Professor Teylor Randall boshchiligidagi



universitet rahbariyati bilan o'tkazilgan uchrashuvda O'zbekiston — AQSH ta'limiy hamkorligini yangi bosqichga olib chiqish masalalari haqida fikr almashildi. Bu boradagi taklif va mulohazalarimizni o'rtaqa tashladik. Fikrlarimiz bir joydan chiqqach kelgusi rejalarini belgilab oldik.

Muloqot chog'ida hamkasbim Teylor Randall Utah davlat universitetining Samarqand shahrida o'zining filial kampusini ochish tashabbusi ilgari surildi. Shuni mamnuviyat bilan ta'kidlashim joizki, ushbu loyiha amalga oshirilgach, O'zbekiston xalqaro ta'lim xaritasida yangi, global miqyosdagi akademik markazga ega bo'ladi. Shuningdek, professor Teylor Randall bilan talaba va o'qituvchilar almashinuv loyihalarini, qo'shma ilmiy grantlar, hamkorlikda ta'lim dasturlari ishlab chiqishni belgilab oldik.

Yuta shtatidagi rasmiy uchrashuvlarning yakuniy va eng samaralisi Baskerville instituti rahbariyati bilan bo'ldi. Tadbirda Samarqand davlat chet tillar instituti va Baskerville instituti o'rtasida hamkorlik to'g'risida Memorandum

imzolandi. Mazkur hujjat nafaqat yangi strategik tashabbuslarni amalga oshirish, balki Yuta shtati va O'zbekistondagi oliy ta'lim muassasalari o'rtasidagi hamkorlikni muvofiqlashtiruvchi asosiy mexanizm sifatida e'tirof etildi. Endilikda Baskerville instituti O'zbekiston bilan akademik aloqalarini rivojlantirish bo'yicha koordinatsion markaz sifatida faoliyat yuritadi. AQSHga qilgan safarimiz yakunida Samarqand davlat chet tillar instituti delegatsiyasi Veber davlat universiteti rahbariyati bilan uchrashdi. Akademik hamkorlik, yozgi maktablar, qo'shma ilmiy tadqiqotlar, shuningdek, talabalar hamda professor-o'qituvchilar almashinuv dasturlari bo'yicha aniq rejalar belgilab olindi.

Shuningdek, universitet professorlari va talabalariga “Xorijiy tillar va madaniy diplomatiya” mavzusida ma'ruza o'qidim. Ma'ruzamda xalqaro muloqotda til siyosatining o'rni, diplomatik kommunikatsiya va madaniyatlararo o'zaro tushunishning ahamiyati haqida so'z yuritildi. Bu ilmiy tadbir ikki oliy ta'lim muassasasi o'rtasidagi

aloqalar mustahkamlanishi bilan birga, xalqlarimiz o'rtasida ta'limiy va madaniy ko'priklarini o'rnatishga ma'ruza o'qitishga hamkorlikni muvofiqlashtiruvchi asosiy mexanizm sifatida e'tirof etildi. Endilikda Baskerville instituti O'zbekiston bilan akademik aloqalarini rivojlantirish bo'yicha koordinatsion markaz sifatida faoliyat yuritadi.

AQSHga qilgan safarimiz yakunida Samarqand davlat chet tillar instituti delegatsiyasining Yuta shtatiga tashrif ana shu yangi bosqichning amaliy ifodasi bo'ldi. Bu tashrif orqali o'qituvchilar almashinuv dasturlari bo'yicha aniq rejalar belgilab olindi. Shuningdek, universitet professorlari va talabalariga “Xorijiy tillar va madaniy diplomatiya” mavzusida ma'ruza o'qidim. Ma'ruzamda xalqaro muloqotda til siyosatining o'rni, diplomatik kommunikatsiya va madaniyatlararo o'zaro tushunishning ahamiyati haqida so'z yuritildi. Bu ilmiy tadbir ikki oliy ta'lim muassasasi o'rtasidagi

**Bahodir XOLIQOV,**  
**Samarqand davlat chet tillar instituti rektori,**  
**professor**

## SUN'YIY INTELEKT RIVOJI YULIDA

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Хусусан, йил якунига қадар “ai.gov.uz” миллий портали ишга туширилади. Унда сунъий интеллект йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар ва бепул онлайн курслар ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг бу борада яқинда эълон қилинган Фармонида мувофиқ;

2026 йил якунига қадар давлат бошқаруви органлари, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини кенг жорий қилиш бўйича камида 100 та лойиҳани амалга ошириш;

2030 йил якунига қадар замонавий сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантиришга 1 млрд. доллардан ортиқ миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

2026 йил якунига қадар мамлакатда фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларида 15 та сунъий интеллект лабораторияларини ишга тушириш.

2025 йил якунига қадар сунъий интеллект йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар, дастурлар, стартаплар ва бепул онлайн курслар ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи “ai.gov.uz” миллий портали ишга туширилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб: ёшларнинг сунъий интеллект технологияларига қизиқишини янада ошириш ва рағбатлантириш мақсадида Президент соврини учун “Сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап” (President AI Award) танлови ўтказилади;

давлат органлари ва корхоналари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг рақамли трансформация ҳолатини баҳолашда сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш кўрсаткичлари инобатга олинади.

Рейтинг натижасига асосан 2026 йил 1 мартдан бошлаб йилига икки мартаба энг яхши сунъий интеллект лойиҳаларини жорий этган вазирлик ва идоралар ўртасида “Сунъий интеллект бўйича энг яхши лойиҳа” танлови ўтказилади. Шу билан бирга “Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” қабул қилинган. Унга кўра, сунъий интеллект асосида яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини 1,5 млрд. долларга, Давлат хизматлари порталида хизматлар улушини 10 фоиз-

га етказиш, 10 та илмий лаборатория ташкил этиш ва бу соҳада дунёнинг етакчи давлатлари қаторига кириш вазифалари қўйилган.

Тўғриси айтганда, биз сунъий интеллектни жорий этишни энди бошлапмиз. Стратегиянинг асосий мақсадларидан бири давлат хизматларини сунъий интеллект ёрдамида такомиллаштиришга қаратилган. Дейлик, бугун адлия ёки солиқ тизими сайтларига кирсангиз, сизга анча хизматлар таклиф этилади. Лекин давлат идоралари бўладими, нодавлат ташкилотлари, уларда бирдангина сунъий интеллектни жорий этишни имкони йўқ. Чунки ундан олдинги босқичда амалга оширилиш лозим бўлган жараёнлар бор. Биз, аввало, рақамлаштиришда орқада қолганмиз. Буни тан олиш керак. Сунъий интеллект маъжуд маълумотларнинг устига қурилади. Яъни, дастлабки босқичда биз катта ҳажмда рақамлашган маълумотларга эга бўлишимиз лозим.

Жаҳон банкининг 2030 йилгача бўладиган соҳалар айна сунъий интеллект билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин, — дата-аналитиклар, сунъий интеллект дастурларини яратувчи муҳандислар ва ҳоказо. Соҳа мутахассисларига қўйилаётган асосий талаблардан бири, креатив фикрлаш ва таҳлил қила олиш қобилиятидир.

Сунъий интеллектнинг иқтисодга фойдасига келсак, биринчидан, янги иш ўринлари пайдо бўлади. Жаҳон банкининг статистикасига кўра, 85 миллионга иш ўрни йўқолади, аммо ўрнига 97 миллионга янги иш ўрни пайдо бўлади. Биз шу пайтгача тасаввур қилмаган касблар пайдо бўлади. Масалан, фронт-инженерлар, ChatGPT каби дастурларга тўғри савол бера оладиган муҳандисларга эҳтиёж туғилмоқда. Чунки сунъий интеллектнинг барча имкониятларидан самарали фойдалана олиш учун унинг олдида тўғри вазифа қўйиш лозим. Янги Тошкент қурилишида сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда биноларнинг мутлақо янги дизайнлари яратилмоқда. Иқтисодга яна бир фойдаси — одамларнинг иш самардорлиги ортади. Илгари 5-6 соатда бажарган ишингизни, энди 1 соатда бажаришингиз мумкин бўлади.

Жуда кўп касб эгаларининг кундалик вазифаларидан бир қисмини сунъий интеллект ўз зиммасига олади.

„**Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак.**

## YANGI O'ZBEKISTONDA TA'LIM TIZIMI: YANGI AVLOD, YANGI IMKONIYATLAR

“Yangi O'zbekistonni barpo etishda eng asosiy tayanadigan kuchimiz — bilimli va tashabbuskor yoshlardir”.

Shavkat MIRZIYOYEV.



Bugungi kunda Yangi O'zbekiston degan ibora xalqimizning ongi va qalbga chuqur singib ulgurdi. U nafaqat siyosiy-ijtimoiy hayotda, balki ma'naviyat va ta'lim sohasida ham yangi davr boshlanishini anglatadi.

Ta'lim — millat kelajagining po'ydevori. Shu bois mamlakatimizda oliy va umumiy o'rta ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, uni zamonaviy talablarga moslashtirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Yangi O'zbekistonda har bir bolaga munosib ta'lim olish huquqi kafolatiangan.

Oliy ta'lim tizimini rivojlantirish konsepsiyasi 2019 yilda qabul qilingan “O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi”da oliy ta'lim sohasining strategik maqsad va ustuvor yo'nalishlari belgilab berilgan.

Unga ko'ra:

- ta'lim va fan va mahsulot hosiloti o'rtasida integratsiyani kuchaytirish;
- o'quv rejaları, dasturlar mazmuni amaliyotga yo'naltirilgan bo'lishi;
- ba'zi yo'nalishlarda kredit-modul tizimiga o'tish;

Oliy ta'lim muassasalari soni yil sayin oshib bormoqda, filiallar ochilmoqda, xorijiy tajriba keng joriy etilmoqda. Bugun yigit-qizlarimiz nafaqat yurtimizda, balki jahonning nufuzli universitetlarida ham bilim olish

imkoniyatiga ega.

2025-2026 amaliy yildan boshlab, oliy ta'lim bakalavr va magistr darajalari uchun davlat grantlari kiruv choralarini belgilab berildi;

kiruv kvotalari 2025-2026 dan 2028-2029 yillargacha bosqichma-bosqich oshirilishi rejalashtirilgan.

Davlat grantlari faqat davlat oliy ta'lim muassasalariga emas, nodavlat va xorijiy oliy ta'lim muassasalari uchun ham belgilanmoqda.

Oliy ta'lim muassasalarining ko'payishi sifat va nazorat tizimini kuchaytirishni talab qilmoqda. Bu masalani yechish uchun yangi agentlik — Milliy ta'lim sifatini ta'minlash agentligi tashkil etildi.

Ushbu agentlik, oliy ta'lim va kasb-hunar ta'lim muassasalarida sohaviy va davlat akkreditatsiya, ta'lim programmlarini tashqi baholash tizimi joriy etilishini nazorat qilmoqda.

Shu bilan birga, umumiy o'rta ta'lim maktablari va ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalarida yangi dasturlar, zamonaviy darsliklar, axborot texnologiyalari asosidagi ta'lim tizimi joriy etilmoqda. Bu esa kelajak avlodning mustaqil fikrlaydigan, raqobatbardosh va bilimli bo'lib voyaga yetishini ta'minlaydi.

Ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar bir narsani ko'rsatmoqda: Yangi O'zbekiston — yangi avlodni tarbiyalayotgan, kelajakka ishonch bilan intilayotgan davlatdir. Milliy g'oyamiz — ma'rifatli jamiyat qurishdir.

Shubhasiz, ta'lim sohasidagi har bir o'zgarish, har bir yangilik — bu Vatanning yorqin kelajagiga qo'yilgan mustahkam qadamdir.

Ta'lim sohasidagi o'zgarishlarning yaqqol namunasini Chirchiq davlat pedagogika universiteti faoliyatida ko'ramiz. Avval pedagogika instituti sifatida tanilgan bu dargoh, endilikda yangi maqom: Chirchiq davlat pedagogika universiteti sifatida yangi vazifalar va keng imkoniyatlar bilan yurtimiz ta'lim xaritasida munosib o'rin olmoqda.

Yangi maqom — yangi mas'uliyat. Universitet o'quv dasturlari xalqaro standartlarga moslashtirilmoqda, ish beruvchilar ehtiyojlari inobatga olinmoqda. Bu esa bitiruvchilarning mehnat bozorida raqobatbardosh bo'lishini ta'minlaydi.

Turizm fakulteti, axborot texnologiyalari bo'limi kabi yo'nalishlar yoshlarga zamonaviy kasblar eshigini ochmoqda.

“Karerera kuni” kabi tadbirlar talabalarni ish beruvchilar bilan bog'lab, ularga o'z bilim va salohiyatini ko'rsatish imkonini bermoqda.

Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'z faoliyatida nafaqat milliy, balki xalqaro hamkorliklarga ham katta ahamiyat qaratmoqda.

Universitas Pendidikan Indonesia va Universitas Pendidikan Ganesha bilan o'rnatilgan munosabatlar doirasida talabalar va ustozlar almashinuvi, qo'shma tadqiqotlar, innovatsion o'quv dasturlari amalga oshirilmoqda. Bu hamkorlik Chirchiq talabalar uchun yangi tafakkur, yangi madaniy va ilmiy tajribalar eshigini ochmoqda.

Mogilev davlat universiteti bilan birgalikda joriy etilgan “3+1” modeli orqali talabalar ta'limning bir qismini O'zbekistonda, bir qismini Belorusda o'qib, ikki diplomga ega bo'lish imkoniyatiga ega. Shuningdek, “Belarus-O'zbek innovatsion pedagogika qo'shma fakulteti”da yuzlab yoshlar ta'lim olish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Hali tashkil etilganiga ko'p vaqt bo'lmagan bo'lsada, shu qisqa davr ichida universitetda juda ko'p ishlar amalga oshirildi.

Yangi fakultetlar, yangi yo'nalishlar

ochildi. Jumladan Turizm fakulteti, shuningdek San'atshunoslik fakultetida qo'shimcha Dizayn: interer hamda libos va gazlamalar yo'nalishlari ochildi. Bu esa o'z navbatida universitet yanada o'z faoliyatini kengaytirib zamon talablariga javob beradigan mutaxassislarni etishtirishga astoydil bel bog'laganidab dalolat beradi.

San'atshunoslik fakultetda maxsus san'at studiyalari, dizayn laboratoriyalari, IT markazlari tashkil etilgan. Bu yerda yoshlar nafaqat mutaxassis sifatida, balki ijodkor, kreativ shaxs sifatida ham kamol topmoqda.

Universitetda yangi talabalar turar joylari qurilib ishga tushurilmoqda, ta'lim binolari modernizatsiyalanmoqda, kitobxona fondlarini raqamlashtirish va yangi adabiy-ilmiy manbalar bilan boyitish kabi ishlar amalga oshirilmoqda.

Albatta universitetning asosiy tayanch kuchi, bu unda faoliyat yuritayotgan professor-o'qituvchilardir. Ularning ilmiy salohiyati, yangilikka tashnalligi, o'z ustida tinimsiz ishlash, bilim va malakalarini tinimsiz rivojlantirishi, ta'lim tizimidagi islohotlarni faqat qog'ozda emas, balki hayotda o'z natijasini ko'rsatishiga olib keladi.

Universitetda 2025 yilda “Ko'p tarmoqli tadqiqot va ta'limning global istiqbollari” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya tashkil etildi. Unda Turkiya, Indoneziya, Rossiya, Belarus va boshqa davlatlardan olimlar va professor-o'qituvchilar qatnashdi.

Bundan tashqari universitetda “Iqtidorli talabalar” faoliyati yo'lga qo'yilgan. Unda talabalar olimpiadalarda ishtirok etishi, intellektual va ilmiy-ijodiy loyihalar bajarishi, jumladan, monografiyalar, maqola va tezislarni berish kabi faoliyatlar bor.

Chirchiq davlat pedagogika universitetida amalga oshirilayotgan islohotlar va xalqaro hamkorliklar Yangi O'zbekiston ta'lim tizimining kelajak strategiyasini yaqqol namoyon etmoqda. Bu jarayonda yoshlarimiz nafaqat bilim oladi, balki zamonaviy dunyo talablariga javob beradigan raqobatbardosh mutaxassis sifatida kamol topadi.

Shubhasiz, ta'lim sohasidagi har bir yangilik — Yangi O'zbekistonning taraqqiyot va ma'rifati sari tashlayotgan qadamidir. Chirchiq tajribasi esa bu yo'lga yorqin namuna bo'lib xizmat qilmoqda.

**Maxbuba XALMUHAMEDOVA, Chirchiq davlat pedagogika universiteti San'atshunoslik fakulteti, Tasviriy san'at va dizayn kafedrasasi katta o'qituvchisi**



## OLY TA'LIM YANGILIKLARI

### Toshkent arxitektura-qurilish universiteti va Anhui Jianzhu University o'rtasida hamkorlik Memorandumi imzolandi

**Xitoy — O'zbekiston ta'lim forumi doirasida Toshkent arxitektura-qurilish universiteti hamda Xitoy Xalq Respublikasining nufuzli Anhui Jianzhu University o'rtasida o'zaro hamkorlik Memorandumi imzolandi. Mazkur hujjat ikki oliy ta'lim muassasasi o'rtasida ta'lim, ilmiy-tadqiqot, innovatsion loyihalar va akademik almashinuv yo'nalishlaridagi hamkorlikni yangi bosqichga olib chiqishga xizmat qiladi.**



Memorandumga muvofiq, tomonlar professor-o'qituvchilar va talabalar almashinuvi, qo'shma ilmiy tadqiqotlar o'tkazish, yangi akademik dasturlar ishlab chiqish hamda arxitektura va qurilish sohasida qo'shma tashabbuslarni amalga oshirish borasida kelishuvga erishdilar.

Shuningdek, hujjat doirasida ilmiy anjumanlar, seminarlar, stajirovkalar va qo'shma nashrlar tashkil etish orqali ikki oliyog' o'rtasidagi o'zaro aloqalarni yanada mustahkamlash rejalashtirilgan.

Tadbir yakunida tomonlar mavjud do'stona munosabatlarni mustahkamlash, o'zaro tajriba almashish hamda istiqbolida xalqaro miqyosdagi qo'shma loyihalarni amalga oshirishga tayyor ekanliklarini bildirdilar.

Bu Memorandum Toshkent arxitektura-qurilish universitetining xalqaro hamkorlik aloqalarini kengaytirish, ilg'or xorijiy tajribalarni o'quv jarayoniga joriy etish va ta'lim sifatini yangi bosqichga ko'tarish yo'lidagi muhim qadamlardan biridir.

### O'zbekistonda nemis tilini o'qitish va kasbiy ta'lim yo'nalishida qo'shma tashabbuslar muhokama qilindi

**7-noyabr kuni Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri Qo'ng'iro'tboy Sharipov Gyote instituti direktori Anna Bernsmayer hamda Institutning Sharqiy va Markaziy Osiyo mintaqasi bo'yicha til bo'limi rahbari Tanya Olbrich bilan uchrashdi.**

Uchrashuvda O'zbekiston ta'lim muassasalarida nemis tilini o'qitish, o'qituvchilar malakasini oshirish, darslik va texnik vositalar bilan ta'minlash masalalari muhokama qilindi. Shuningdek, turizm va mehmonxona xo'jaligi texnikumlari bilan hamkorlikda Germaniyada o'tkazilgan amaliyotlar natijalari ham ko'rib chiqildi.

Vazir Qo'ng'iro'tboy Sharipov mamlakatimizda nemis tilini o'rganishga bo'lgan talab ortib borayotganini ta'kidladi. Shu bois Gyote instituti bilan hamkorlikda yangi o'quv dasturlari va o'qituvchilar malakasini oshirish loyihalarini amalga oshirish rejalashtirilgan.

Uchrashuv yakunida tomonlar hamkorlikni yanada kengaytirish, O'zbekistonda nemis tilini o'qitish va kasbiy ta'lim yo'nalishida qo'shma tashabbuslarni amalga oshirish bo'yicha kelishib oldilar.

## TO'HKENTGA SA'EXAT

**To'HKent — yurtimizning g'uzal пойтахти, тарих ва замонавийлик уйғунлашган маскан. Бу шаҳарнинг ҳар бир гўшаси асрлар оша эл ва юрт тақдирига гувоҳ бўлиб келмоқда.**

Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг 120 йиллиги, “Кексалар ойлиги” ҳамда 11 ноябрь — касабаси уюшмалари кунини муносабати билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани касабаси уюшмаси раиси Дилфуза Манопова ташаббуси билан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида узок йиллар ишлаган фидокор устоз мураббийлар ва бошланғич касабаси уюшмалари раислари учун зиёрат саёҳат ташкил этилди.

Саёҳат Зангиота мақбарасига ташриф билан бошланди. Бу муқаддас зиёратгоҳда

аждоқларимиз хотираси ёд этилди. Бу ердаги осойишталик муҳитнинг поклиги инсон қалбига хотиржамлик бағишлайди.

Саёҳатнинг навбатдаги манзили — Кўкалдош мадрасаси бўлди. Бу ердаги обида асрлар давомида илм ва маърифат маскани бўлиб келган. Мадраса меъморчилиги ва тарихий муҳити ҳар бир иштирокчида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Ҳазрати Имом мажмуасига ҳам ташриф бурилди. Бу ердаги “Усмоний Куръон” нусхасини кўриш миллатимизнинг юк-

сак маънавий кудратини ҳис эттирди. У ердаги меъморий иншоотлар, гўзал безаклар ва қадимий қурилиш услублари орқали бизнинг буюк аجدдоқларимиз яратган маданиятни ҳис қилиш мумкин.

Саёҳатнинг замонавий қисми Япон боғига ташриф билан давом этди. Бу ерда табиатнинг гўзал манзаралари, сув шаршаларлари ва тинчлик муҳити ҳаммани завқландирди. Касабаси уюшмаси ташкил этган бу саёҳат нafaқат дам олиш, балки жамоада дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш имконини ҳам берди.

Касабаси уюшмаси бу тadbir орқали фуқароларнинг маданий ва маънавий дам олишига, Ватан тарихи ва маданияти билан яқиндан танишишига катта ҳисса қўшди. Улар нafaқат меҳнатқашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар,



балки жамиятда фаоллик, дўстлик ва меҳр-оқибат муҳитини яратишда ҳам етакчи кучдир.

Саёҳат давомида биз Тошкентнинг кечаги шонли тарихи ва бугунги раванқини ҳис этдик. Зангиотада — имон, Кўкалдошда — маърифат, Ҳазрати Имомда — маънавият,

Япон боғида — тинчлик мужасам эди. Тошкент — бу кеча ва бугун уйғун яшайдиган, келажакка ишонч билан йўл олаётган шаҳардир.

**Замира ТЎРАЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактаб касабаси уюшмаси раиси**